

ҲОКИМ
ЁРДАМЧИСИ
“Ўзинг пуқта” тажрибасини,
хатто хорржликлар
ўзлаштиришди

3-САҲИФА.



СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ

ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТНИ
ҚИСҚАРТИРИШ ҲАРАКАТИ ТЎХТАМАЙДИ

5-САҲИФА.



ИЖТИМОЙ
ХОДИМ

Таълимда
телефонга муқобил
курол борми?

7-САҲИФА.

Mahalla

WWW.UZMAHALLA.UZ • №12 • 2024 йил 22 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Маҳалла ижтимоий ҳимоянинг бош бўғини бўлади

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 20 февраль куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

МОҲИЯТ

Конституциянинг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгиланган. Шунга мувофиқ, 2023 йил 1 июнда аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш бўйича фармон қабул қилиниб, Президент ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги

ташкил этилди. Бу орқали шу вақтгача турли идора ва вазирликлар орасида тарқоқ, ягона қараш, стратегия, аниқ жавобгар органи бўлмаган ижтимоий ҳимоя тизими бирлаштирилди.

Ўтган вақт мобайнида ўндан ортик давлатнинг ижтимоий соҳадаги тажрибаси чуқур ўрганилди, малакали экспертлар жалб қилинди. Шу асосда олиб борилган таҳлилларга кўра, бу

соҳа 30 йил олдинги тизимда қолиб кетган, фақат давлат ажратган пулни тарқатиш билан шуғулланган. Бу айрим одамларни ўзини ўнглаб олишга эмас, ёрдам кутиб яшашга ўргатиб қўйган.

Мисол учун, меҳнатга лаёқатли кишиларга ҳам нафақа тўлаб келинган. Ногиронлиги бор шахсларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, касбга ўргатиш орқали ҳаётга қайтаришга етарлича эътибор берилмаган. Худуд раҳбарлари муҳтож оилалар билан манзилли ишламай, пул ва озиқ-овқат бериш, маиший техника совға қилиш

билан чекланиб келган. Эски ижтимоий ҳимоя тизимида одамларга умид бериш, ҳаётини яхшилаш, банд бўлишга қўмаклашиш энг охириги ўринга тушиб қолган.

Қолаверса, 20 дан зиёд идоранинг ижтимоий ҳимоя борасидаги фаолияти ҳужжатларда пухта ўйланмасдан, бепартиб белгиланган. Ногиронлиги бўлган шахслар ишлаши мумкин бўлган касблар рўйхати замон талабларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилмаган, оқибатда улар ўзининг меҳнат салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқара олмаётти.

Давоми 2-саҳифада.

Маҳаллий Кенгашларда раисларнинг ўз ўрни, айтар сўзи бўлади

НИГОҲ

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси муҳокамаси якунланди.

Санжар ИСМАТОВ
“Mahalla”

Лойиҳада маҳалла тизими, раислар ваколатига оид нормалар борки, бу фуқаролар йиғинининг жамият ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтиради. Жумладан, эндиликда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида раисларнинг ўз ўрни, айтар сўзи бўлади.

Давлат дастури лойиҳасига кўра, жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда маҳаллалар ролини ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилади. Бунда тегишли ҳудуддаги маҳаллаларга халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари сессиялари кун тартибига кўриб чиқиш учун таклиф киритиш, маҳалла раисларига Кенгашлар қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Бу нимани аналатади?

Айни пайтда ҳудудга хос кўпгина масалалар айнан маҳаллий Кенгашлар қарорлари асосида амалга оширилади. Шундай вақтлар бўлдики, маҳаллага нима кераклиги, қайси муаммо биринчи ўринда ҳал этилиши лозимлиги маҳалланинг ўзидан сўралмай ҳал этилди.

Давоми 2-саҳифада.

«Икки йил аввал ишсиз ва ижтимоий кўмакка МУҲТОЖ ЭДИМ...»

БЎЛАР ЭКАН-КУ!

Англадимки, инсон интилса,
ҳаракат қилса, ҳамма нарсага
эришаркан.

Даромадли ишга эга бўлгач, “Ёшлар дафтари”дан чиқарилдим. Шу орада масъуллар маҳаллада ёшлар етакчиси бўлишим мумкинлигини, бунинг учун номзодимни кўйишни таклиф қилишди. Ўйлаб кўрсам, ёмон таклиф эмас.

Тажрибамдан келиб чиқиб, тенгқурларимга қўмаклашман, деган ниятда рози бўлдим. Танловдан муваффақиятли ўтиб, маҳаллада ёшлар етакчиси сифатида иш бошладим. Бир йил олдин имтиёзли кредит эвазига кичик бизнесимни йўлга қўйишимга ва бу орқали ёшлар етакчисига айланишимга ишонмасдим. Бугун бу орзу ҳақиқатга айланди.

4-саҳифада.



“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — етти марта ўлчаб, бир кесадиған, мукаммал СТРАТЕГИЯ

“Еттилик” дегани, тўғридан-тўғри Президентнинг оддий одамлар билан алоқачисин, давлат раҳбарининг овози, аҳолининг орзу-истакларининг зинама-зина эмас, тўғридан-тўғри юқорига узатувчи куч

ТАШРИФ ТААССУРОТЛАРИ...

Хонобод... Табиатининг гўзаллиги, одамларининг самимиёлиги билан машҳур бу шаҳар. Бугун хонободликларга ҳаммининг ҳаваси келмоқда. Боиси мамлакат раҳбари бу ерга ташриф буюрди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Янги ҳаёт” маҳалласига бежиз ташриф буюрмади. Бир маҳалла мисолида бутун бир тизим таҳлил қилинди, маҳалла институтининг ишлаш тамойили белгилаб берилди.

Хабарингиз бор, маҳаллаларда аввал “бешлик”, кейин “еттилик” фаолияти йўлга қўйилди. “Маҳалла еттилиги” — етти марта ўлчаб, бир кесилган, жуда мукаммал стратегия. “Еттилик” дегани, тўғридан-тўғри Президентнинг оддий одамлар билан алоқачисин, давлат раҳбарининг овози, аҳолининг орзу-истакларининг зинама-зина эмас, тўғридан-тўғри юқорига узатувчи куч аслида. Ундан унумли фойдаланилса, маҳалла давлат учун жуда катта фойда келтиради.



Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси. Бу халқнинг дарди, овози, дегани. Маҳалладаги давлат вакиллари дунёқарашини ўзгартириб, одамларни рози қилиши керак.

Давоми 2-саҳифада.

Йиғин иш юритувчисига қандай ҳақ тўланади?

ҚУЛАЙЛИК

Яқин уч-тўрт йил орасида қайси маҳалла раиси билан гаплашманг, фуқаролар йиғинида иш ҳажми кўплиги, мажлис-бозлик, қозғозбозлик, жадваллар тўлдириш билан куни ўтаётгани, турли солиқларни йиғишга мажбур бўлаётгани, хатто айрим ҳолларда улардан ортиб, ўз хизмат вазифаларини бажаришга вақт қолмаётганини айтиб ёзгирарди. Агар аввалгидек масъул котиб шати жорий этилса, бу ишларда кўмак беришни таъкидларди. Энди-чи, вазият ўзгардими?

Айтиш керакки, “маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, ҳар бир ходимнинг асосий

вазифалари белгилаб берилди. Шунга кўра, иш ҳажми тақсимланди. Бу билан маҳалла юмуши бир ёки икки кишининг зиммасига тушишига чек қўйилди. Президент маҳалла раисларини уларнинг фаолиятига тааллуқли бўлмаган масалаларга оид йиғилишларга жалб қилишни шахсан таъкидлади.

Қозғозбозлик, жадвал тўлдириш билан боғлиқ ҳолатлар яқин орада тўлиқ бартараф этилади. “Рақамли маҳалла” тизими тўлиқ ишга тушади. Солиқлар бўйича маҳаллага алоҳида ходим бириктирилди. Умун олганда, тизимдаги камчиликлар босқичма-босқич ҳал этиляпти. Бунда энди фақатгина масъул котиб масаласи

очик қолаётгани...

Дарҳақиқат, раислар айтганидек, маҳаллада масъул котиб шатига эҳтиёж бор эди, албатта. Фуқаролар йиғинида иш юритишни тўғри йўлга қўйиш, келди-кетдини назорат қилиш, хат-ҳужжатлар билан ишлашда алоҳида ходим бўлиши зарур. Боиси “еттилик” вакиллари ўзига юклатилган вазифалар бўйича масалани жойига бориб ўрганиш учун маҳаллага чиқиб кетишди, айримлари хатто кеч кирганда идорага қайтишди. Бу орада йиғинга муружаатлар билан келувчилар бўлиши тайин, юқори турувчи ташкилотлардан турли хат-ҳужжатлар юборилиши мумкин.

Давоми 8-саҳифада.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан (ҳозирда 1 050 000 сўм) кам бўлиши ва унинг икки бараваридан кўп бўлиши мумкин эмас.





Ўзбекистон Республикаси Президенти АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН Россия Федерациясида бўлади.



ФАЙЗУЛЛАЖОН ҚОСИМОВ Бош вазир котибияти “Маҳалла етилиги”, ёшлар сиёсати ва маънавият масалалари департаменти раҳбари этиб тайинланди.



Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси фаолиятини ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан брифинг ташкил этилди.

“Маҳалла етилиги” — етти марта ўлчаб, бир кесадиган, мукаммал СТРАТЕГИЯ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Жобир АСҚАРОВ, журналист.

— Ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, — дейди “Янги ҳаёт” маҳалласи раиси Азизахон Абдуқохорова. — Бу кейинги йилларда маҳалла тизимига эътибор ортганининг натижаси. Зеро, Президент раислигида бирорта йиғилиш йўқки, маҳалла ҳақида гапирилмаса. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профлактинспекторидан иборат тизимга солиқ ва ижтимоий хизмат ходими қўшилди. Худудларда бўлаётган ўзгаришлар, ишсизлар сонининг камайиши, ободлик шу “еттилик” жиқлигига боғлиқ. Шу маънода хаттасо масалаларни “Омбор дафтари”ни яратдик. Маҳалладаги барча маълумотлар унда акс этади. Кимга қандай кўмак кераклиги, кимнинг ишсизлиги, қайси кўчада ободлик ишларини бажариш лозимлиги, умуман, “еттилик” бажарадиган юмушларни дафтардаги маълумотлар асосида йўлга қўйдик.

Яна бир жиҳат — Президент “Маҳалла бюджети”ни шакллантириб берди. Бу орқали энди маҳалла ўзининг молиявий имкониятларига эга бўлади. Шу вақтгача қайсидир масалани ҳал қилмоқчи бўлсак, у, албатта, иқтисодга бориб тақаларди. Маҳалланинг ўзида маблағ йўқ эди. “Маҳалла бюджети”нинг шакллантирилиши бизга янги куч берди, имкониятимизни оширди. Эндиликда “еттилик” вакиллари бундан фойдаланиб, ўзaro коллегия асосида масалаларни ҳал этамиз.

“Янги ҳаёт” маҳалласида 3 500 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Бугун йиғиннинг ҳамма шароити бор. Мактаби, боғчаси, поликлиника, тоғ-ён бағридаги чиройли дам олиш масканлари...

Аввал-чи, аввал қандай эди? Тасаввур қиласизми, Ўзбекистонда бўла туриб, хонободликлар шаҳар чегарасидан паспорт билан ўтарди. Кўшни давлат билан қавм-қариндошлик ришталари узилган, одамлар яқинини кўргани кунлаб чегарада навбат кутарди.

Хонобод нафас олишга қийналарди...

Бугун-чи, бугун Хонобод эшикларини очилди. Унга ҳаво кирди, бу ерга ободлик, бунёдкорлик нафаси келди. Охириги йиллардаги ўзгаришлар, яхши кўшничлик сиёсати натижасида қариндошлик ришталари тикланди. Иқтисодиёт соғломлашди. Бугун бу ерда туризм, саноат, мева-сабзавотчилик ва хизмат кўрсатиш ривожланмоқда.

Одамларнинг дунёқараши ўзгарди, ҳаракат қилса, барака топишини англади. Хонодонининг бир қарич еридан унумли фойдаланадиган одамлар кўпайди. Худди Салоҳиддин ака сингари. Кичиккина ёпиқ жойда кўзқориндан ойига 10-15 миллион сўм даромад топилса, ёмон эмас-а? Ўрганса, арзиғулик тажриба. Президент ана шундай тажрибаларни бутун мамлакат бўйлаб омалаштиришни истади.

“Маҳалла етилиги” тизимининг ишлаши бўйича “Андижон тажрибаси” омалаштирилади.

Давлат раҳбари маҳаллага ташрифи чоғида айнан Салоҳиддин Усмонов хонодонда меҳмон бўлди.

— Уйда кўзқорин етиштирамиз, — дейди Салоҳиддин Усмонов. — Ишни кичкина хонодан бошлаганмиз. Ҳозирда 500 та маҳсул қопчаларда кўзқорин парвартилади. Улар 28-30 кунда тайёр бўлади. Кўзқорин иммунитетни мустаҳкамлайди, гўштининг калориясини беради. Хар қандай таомга қўшиб истеъмол қилиш мумкин. Фойдаси тенгма-тенг ташлайди. Президент шу йўналишдаги фаолиятимизни шахсан келиб кўрди. Ишимизни маъқулаб, бошқа жойларда қўллаш мумкинлигини таъкидлади. Бундан, албатта, хурсанд бўлдик. Уй меҳмонхона ташкил этганмиз. Шароитларни яхшилаб қўйганмиз, энергия тежамкор иситиш тизимидан фойдаланамиз. Кўёш панелларини ўрнатдик. Бу кафолатланган электр энергияси дегани.



Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси. Бу халқнинг дарди, овози, дегани. Маҳалладаги давлат вакиллари берилган ваколат ва маблағлардан фойдаланиб, дунёқарашини ўзгартириб, одамларни рози қилиши керак. Президент Шавкат Мирзиёев “Янги ҳаёт” маҳалласини бутун Ўзбекистонга намуна қилиш лозимлигини қайд этди. “Маҳалла етилиги” тизимининг ишлаши бўйича “Андижон тажрибаси” бунда дастуруламал бўлиши кераклигини таъкидлади.

Маҳалла ижтимоий ҳимоянинг бош бўғини бўлади

Эҳтиёжманд тоифани аниқлаш бўйича мезонлар ишлаб чиқилиб, уларнинг айнан қандай ёрдамга муҳтожлиги аниқ белгилаб берилди. Муҳтожларнинг ҳар бири бўйича индивидуал ижтимоий хизматлар дастури бўлади.



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Санжар ИСМАТОВ “Mahalla”

Президент йиғилишида бу жиҳатларга эътибор қаратиб, соҳадаги устувор вазифаларни белгилаб берди. — Бу соҳада умумий ишлаб бўлмайдми. Хар бир оила ва инсон тақдирига алоҳида, профессионал ёндашиш лозим. Ижтимоий хизмат тўғриси йўлга қўйилса, эҳтиёжманд фуқаролар жамиятда ўз ўрнини топади, — деди давлат раҳбари.

Эндиликда ижтимоий ҳимоя тизимида маҳалла бош бўғинга айланади. Яъни ижтимоий хизмат ва ёрдамлар маҳалла даражасида манзилли, шаффоф ва адолатли ташкил этилади. Зеро, ижтимоий ҳимоя тизими билан 250 та хизмат қамраб олинган бўлса-да, маҳалладаги аҳоли уларнинг ярмидан беҳабар. Шу боис 1 июндан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ўзгарди.

Бунда эҳтиёжманд тоифани аниқлаш бўйича мезонлар ишлаб чиқилиб, уларнинг айнан қандай ёрдамга муҳтожлиги аниқ белгилаб

берилади. Муҳтожларнинг ҳар бири ишларида банд бўлган ходимларга; — иши юқори даражадаги руҳий, ақлий, асабий зўриқиш билан боғлиқ бўлган тиббий ходимларига, педагогларга ва бошқа тоифадаги ходимларга;

— уч ёшгача бўлган боланинг бюджетдан молиялаштирилмаган ташкилотларда ишлайдиган ота-онасидан бирига (васийсига).

Яна бир муҳим жиҳати, маҳалладаги барча ижтимоий хизматларни босқичма-босқич ижтимоий хизмат кўрсатиш шартномаси орқали тақдим этиш йўлга қўйилади. Бунда хизмат кўрсатувчи ҳам, ёрдам олувчи ҳам ўзига мажбурият олади.

Янги тартибга кўра, энди нафақа олувчилар рўйхатида, биринчи навбатда, ногиронлиги бор, ота-онаси йўқ, боқувчисини йўқотган, касаллиги ва бошқа сабабга кўра узоқ муддат ишлаб олмайдиганларнинг оилалари киритилади. Тўғри ва адолатли қарор. Бошқа фуқароларни “Ижтимоий реестр”га киритишда уларнинг фақат даромади эмас, балки ҳаражатлари ҳам баҳоланади.

Ижтимоий ёрдамлар 1 октябрдан “ижтимоий карта” орқали молиялаштирилади. Картага, энг аввало, “Саховат ва кўмак”, “Аёллар”, “Ёшлар” дафтарлари жамғармалари, кейинчалик босқичма-босқич 74 турдаги ижтимоий нафақа ва ёрдамлар ўтказилади. Ушбу карта орқали транспорт ва коммунал соҳалардаги имтиёزلардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Маҳаллада ижтимоий хизматлар кўрсатиш электрон платформаси ишлаб чиқилади. Бунда ногиронлиги бор шахсларга протез воситаларини бериш, нафақа ва қаровсиз қолган болаларга васийликни расмийлаштириш, ўзгалар парвартишига муҳтож кексаларни ёлғиз деб эътироф этиш каби 49 та ижтимоий хизмат маҳаллага тауширилади.

Кўриниб турибдики, эндиликда маҳалла ижтимоий ёрдам кўрсатишда бош бўғинга айланади. Давлат аҳолига нима керак бўлса, нима қўлайлик яратса, маҳалла даражасида ҳал этаётгани бежиз эмас. Зеро, кимнинг қандайлиги, қайси ёрдамга муҳтожлигию кимнинг қўл калталигини маҳалладагилардан бошқа ҳеч ким яхши билмайди. Боз устига маҳалла жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали ижтимоий ёрдамларнинг ҳақиқатда муҳтожларга этиб боришини таъминлайди.

Маҳалла раиси маблағ ажратилишидан тортиб, сифатига қараб ишни қабул қилиб олишда раҳбарлик қилса, одамларнинг маҳаллага ишончи мустаҳкамланади.

Бунга қандай зарурат туғилди? Маҳалла аҳли ҳамжиҳатликда худуддаги муаммолар бўйича тақлиф қилиб, керакли маблағни ютиб олади. Шундан сўнг тендер асосида белгиланган ишларни амалга оширувчи пудратчи корхона танланади. Улар ютиб олинган маблағ эвазига керакли юмушни бажаради. Хўп, вазият тушунарли, бироқ бу ўринда маҳаллага, раисига ваколат нега керак, дейишингиз мумкин?

Аслида, ҳамма машаама лойиҳада фойда чиққач бошланади. Жумладан, айрим ўринда ютиб олинган маблағни ажратиш чўзилиб кетади, пудратчи корхона иш бошлашни кечиктиради, энг ёмон, ишлар тугаллангач, сифати талабга жавоб бермайди. Кўп учирда бажарилган ишнинг кўп ўтмай миси чиқади.

Бундай ҳолатда одамларнинг кейинги лойиҳада иштирок этишига ҳафсаласи қолмайди, ишонсизлик каффийати уйғонади. Шунинг учун агар маҳалла раиси маблағ ажратилишидан тортиб, иш бошлаш, унинг боришини назорат қилиш, яқинда сифатига қараб ишни қабул қилиб олишда раҳбарлик қилса, одамларнинг маҳаллага, давлатга ишончи мустаҳкамланади.

6 соат ишлаб, 8 соатга ҳақ олиш мумкинми?

Ирода ҚАХХОРОВА, ҳуқуқшунос:

— Меҳнат кодексининг 183-моддасида айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлигининг ҳолати, меҳнат шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда конюнчиликка ҳамда меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга,

шунингдек, меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмадан иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланади. Иш вақтининг давомийлиги куйидагиларга мажбурий тартибда белгиланади: — ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга; — I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга;

— ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга; — иши юқори даражадаги руҳий, ақлий, асабий зўриқиш билан боғлиқ бўлган тиббий ходимларига, педагогларга ва бошқа тоифадаги ходимларга; — уч ёшгача бўлган боланинг бюджетдан молиялаштирилмаган ташкилотларда ишлайдиган ота-онасидан бирига (васийсига).

Айнан охириги бандга тўлиқроқ тушунтириш берсак. Олдинги Меҳнат кодексига мазкур ҳуқуқ фақат онага берилган эди. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига ушбу ҳуқуқдан боланинг отаси ёки васийси ҳам фойдаланиши мумкинлиги белгиланди. Бунда агар ота ёки васий ушбу имтиёздан фойдаланишни хоҳласа, мазкур имтиёз боланинг онасига қўлланмаётганини тегишли маълумотнома орқали исботлаши шарт.

Қисқартирилган иш вақти шароитларида банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи нормал иш вақти учун белгиланган тўлиқ ҳажмда тўланади. Яъни ташкилотда икки нафар офис менежери ишлайди. Улардан бири тўлиқ иш вақти ишлайди, бошқасига 36 соатлик иш ҳафтаси ўрнатилган. Сабаби, у 17 ёшли балогатга етмаган ходим.

Офис менежерининг лавозим маоши — 2 000 000 сўм. Иккала ходим, иккинчиси камроқ меҳнат қилишига қарамай, 2 000 000 сўмдан олади. Қисқартирилган иш вақти мударрафаси офис менежери ишлайди. Кўрсатилган тартиби мулкчилик шакли, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар барча ташкилотларга татбиқ этилади.



Баҳодир туманидаги “Хўжақишлоқ” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси **ФАНИЖОН СОЛИЕВ** туман ҳокими этиб тайинланди.



“Uzbekistan Airports” ходимлари танлашнинг **ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИНИ** ишга туширди.



Воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари «**ХАЁТ МАКТАБИ**» сифатида қайта ташкил этилади.

ИБРАТ



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА 1000 КГ. АСАЛ БЕПУЛ ТАРҚАТИЛДИ.

“ЎСИШ НУҚТА” ТАЖРИБАСИНИ, ҲАТТО ХОРИЖЛИКЛАР ЎЗЛАШТИРИШДИ

Маҳалланинг асосий “драйвер”и – асаларичилик. Аҳоли бу соҳа билан қарийб 45 йилдан бери шуғулланиб келади.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ

Юсуфбек АЗАМАТОВ, Давлатобод туманидаги «Гулбод» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалланинг асосий “драйвер”и – асаларичилик. Аҳоли бу соҳа билан қарийб 45 йилдан бери шуғулланиб келади. Жами оилалар сони 1 037 та бўлса, шундан 180 та хонадонда асаларичилик муҳим даромад манбаига айланган. Етакчи асаларичи оилалар сони 7 тани ташкил этади. 15 та асал марказида соҳанинг йирик вакиллари жамланган. Бу марказларда нафақат асал маҳсулоти, балки асалари емиши, ҳимоя кийими, дори воситалари, асалари оиласи савдоси йўлга қўйилган.

Этиборлиси, бугунга келиб, худудга хос “ўсиш нуқтаси” мамлакатда оммалаштиришга арзирли саноат тармоғига айланди. Яъни, “Асаларичилик саноат зонаси” барпо этилди. Марказ барча инфратузилмага эга.

Бошланғич даврда 150 тонна асал ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, йиллик экспорт ҳажми 500 минг долларни ташкил этади. Саноат зонасида шоурум, асал дўконлари, савдо растанлари, шу ернинг ўзиде асал ишлаб чиқаришга мўлжалланган махсус иш хоналари барпо этилиб, 2022 йилда фойдаланишга топширилди. Бу орқали 600 та янги иш ўрни яратилди.

Лойиҳа ижроси учун айнан “Гулбод” маҳалласи танлангани бежиз эмас. Сабаби маҳаллада уста-шоғирд услубида асалчилик сир-саноатлари авлоддан авлодга ўтиб келади. Мазкур ташаббус бизга янги ва кенг имконият эшикларини очди.

Бундан ташқари, Наманган вилояти республикамизда асалари пакетларини экспорти бўйича етакчи ўринда туради. Йилига республика ҳудудидан экспортга чиқадиган асалари пакетларининг 70 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, 2023 йилда республикамиздан 311 000 дон асалари пакетлари экспорт қилинган бўлса, шунинг 190 000 дониси вилоятга тегишли.

Айтиш керакки, марказ нафақат Наманган вилояти асаларичилари, балки республиканинг турли вилоятларидаги тадбиркорларнинг бошини бир ерга бирлаштирди. 2023 йилда



республикамизнинг барча вилоятларидан ҳоким ёрдамчилари келиб, тажриба ўрганиб кетди. Ҳатто Жанубий Корея, Саудия Арабистонидан вакиллар келиб, зарур билимларини, соҳа сир-саноатини ўзлаштирди.

Йирик асаларичи хонадон вакиллари бугун лидер тадбиркор сифатида фаолият юритмоқда. Масалан, Паттаев, Бурҳонов, Маматқаримов, Халилов, Зиёвидиновлар оиласи учун бу касб авлоддан авлодга ўтиб, аънаёнага айланган. Тизим саноат зонаси даражасига келгач, турдош соҳалар ҳам ривожланди. Масалан, ака-ука Аъзамбой ва Адҳамбой Насриддиновлар асалари анжомларини ясаш, асалари уяларини ишлаб чиқариш корхонасига асос солди. Ҳар бири 20 нафардан шоғирдини иш билан таъминлаган.

Этиборлиси, республика асаларичиларига асалари емиши, кути, ҳимоя кийим-кечаклари шу ердан етказиб берилмоқда.

2023 йилда соҳани юксак даражада оммалаштириш мақсадида халқаро “Асал фестивали” ўтказилди. Унда 200 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий тадбиркор ўз маҳсулоти билан иштирок этди. Хусусан, қўшни республикалар – Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда бошқа давлатлардан йирик тадбиркорлар келди. Фестиваль тадбирлари доирасида вилоятга 5 000 нафарга яқин хорижий сайёҳ ташрифи кузатилди.

Бундан ташқари, халқимизнинг саҳий ва меҳр-муруватли эканлигини исботи ўлароқ, имконияти чекланган фуқаролар, кам таъминланган оилалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга белгиланган миқдордаги (1000 кг.) асал бепул тарқатилди.

ХАБАРЛАР

759 734 нафар ёшлар бандлиги таъминланади

80,3 МИНГ НАФАРИ КАСБ-ҲУНАР ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЎҚИТИЛАДИ

32 минг ёшларга субсидия берилади

“Ёшлар бандлиги дастурлари” доирасида 759 734 нафар ёшларни бандлигига кўмаклашиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, меҳнат бозорига кириб келадиган 99,9 минг нафар битирувчилар корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилади. 80,3 минг нафари касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилади. 25,5 минг нафар ёшни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, 18,8 минг нафарини “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор” тадбирлари асосида тадбиркорларга, 14 минг нафарини “Уста-шоғирд” асосида хунармандларга бириктириш, 16,2 минг нафарига яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишига кўмаклашиш, 26 минг нафарини қишлоқ ҳўжалигидан ер ажратиш орқали бандлигини таъминлаш кўзда тутилади.

Бундан ташқари, 150,4 минг нафарини ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш, 40,6 минг нафарига тижорат банклари кредити, 32 минг нафарига субсидия ажратиш орқали, 220,3 минг нафарини бошқа йўналишларда (ОТМга ўқшига кирадиганлар) бандлигини таъминлаш белгиланган.

Ҳоким ёрдамчилари фаолияти баҳоланмоқда

БУХОРО: ЎРГАНИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Бухоро вилояти бошқармаси худудлардаги ҳоким ёрдамчилари фаолиятини баҳолаш ишларини амалга оширмоқда.

Бундан биринчи навбатда, ҳоким ёрдамчиларининг хизмат вазифаларини белгилаб бевуҳи норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилган ишлар ўрганилмоқда.

Ўрганишлар давомида фаолияти «коникарсиз» деб баҳоланган ҳоким ёрдамчиларига зарур кўрсатмалар берилмоқда.

ТОМОРҚАЧИГА ТАВСИЯ

Мўъжаз жойдан мўл даромад тошай десангиз...

С.УМРЗОҚОВ, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутахассиси.

Маҳаллада ҳоким ёрдамчилари вазифасига нафақат тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, балки даромадли соҳалар бўйича йўл-йўриқ, маслаҳат бериш ҳам қиради. Жумладан, томорқачиликни ривожлантиришда Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутахассислари билан ҳамкорликда аҳолига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қандай етиштириш ва ундан келадиган фойдани тўғри тушутири олиш муҳим.

Кўйида ана шу йўналишдаги айрим тавсияларни бериб ўтамиз. Бодом ўсимлигининг 20 дан ортиқ серҳосил тури мавжуд. Бу

ўсимлик 60 йил ҳосил беради. 1 туп бодом дарахтидан ўртача (кўпи билан 15 кг.гача, энг ками 4 кг.) 8-10 кг. ҳосил олинади. Етиштирилган ҳосилнинг ўртача 3-5 фоизи ички истеъмолга, қолган қисми бозорга олиб чиқиб сотилади. 1 сотих томорқа ер майдонида ўртача 9 та кўчат экиш мумкин. 10 сотих томорқа ер майдонида 90 туп бодом кўчати экилса, ўртача ҳосил йилига 1 тоннани ташкил этади.

Лимон кўчати иссиқхонада ва траншея шаклида (ҳандақ) ўстирилса, 3 йилда тўлиқ ҳосилга қиради. 10 сотихга 3×2 метр схемада 166 дон кўчат экилади. 1 туп дарахт ўртача 40 кг. ҳосил беради. 10 сотих майдондан 6640 кг. ҳосил олинади.

10 сотих майдонга бодринг экиш учун 200 грам уруғга 30 минг сўм сарфланади. Умумий харажатлар 645 минг сўмни ташкил этади. 10 сотихда 3-5 тонна ҳосил олиш

10 СОТИХ ТОМОРҚА ЕР МАЙДОНИДА 90 ТУП БОДОМ КЎЧАТИ ЭКИЛСА, ЎРТАЧА ҲОСИЛ ЙИЛИГА 1 ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

мумкин. Шунда 30-50 млн. сўмгача даромад қилинади. Иссиқхонада эса даромад бундан 5 баравар кўп бўлади.

Кузда 10 сотих томорқага экилган саримсоқдан май-июнь ойига келиб, 1-1,2 тонна ҳосил олинади. Куз ойларида унинг жойига бошқа турдаги экин экиб, кўшимча даромадга эга бўлиш



ИССИҚХОНАДА БОДРИНГ ПАРВАРИШЛАШ.

имконияти мавжуд.

Сабзи етиштириш учун 10 сотих ер майдонида 600 гр. уруғ (120 минг сўм), бошқа харажатлар би-

лан биргаликда (ўғитлаш, суғориш) жами 500 минг сўм сарфланади. 10 сотих майдондан 5 тонна ҳосил олиш мумкин.

Томорқада қизил лавлага етиштириш учун 10 сотих ер майдонида 200 гр. уруғ (50 000 минг сўм) сарфланади. Бошқа харажатлар билан биргаликда (ўғитлаш, суғориш ва бошқа) жами 350 минг сўм сарфланади. 10 сотих майдондан 4,1 тонна ҳосил етиштирилади.

Бедана парваришда 1 дон бедана сотиб олиш нархи 5 000 сўм (200 та бедана – 1 млн. сўм). 200 та бедана парвариш қилинганда бир йилда 66 минг дон тухум етиштириш мумкин. 1 дон бедана тухумининг нархи ўртача 200 сўм, харажати 100 сўм. Олинган даромад 13 млн. сўм, шундан фойда – 6,5 млн. сўмни ташкил этади.

Хонадоннинг бир четига қуёнчилик ташкил этиб, 100 бош қуён боқилса, ўртача йилига ҳар бири 5 тадан болалади. Жами 500 тага кўпаяди. Бунда 1 дон қуён ўртача 5 кг. гўшт қилади.



**“СУВ ЕТКАЗИБ
БЕРИШ ХИЗМАТИ”
давлат муассасалари
тўғрисидаги низом
тасдиқланди.**



**Ўзбекистон –
Қозоғистон савдо
айланмаси
4 МИЛЛАРД
ДОЛЛАРАН
ОШДИ.**



**Ҳиндистондаги
халқаро кўрғазмада
вакилларимиз
2 МИЛЛИОН
ДОЛЛАРЛИК
келишувга
эришди.**

«Икки йил аввал ишсиз ва ижтимоий кўмакка муҳтож эдим...»

Зиёвуддин ҲОСИЛОВ,
Қўрғонтепа тумани Заҳиридин
Муҳаммад Бобур номидаги
маҳалла ёшлар етакчиси.

Қарийб бир йил олдин ишсиз эдим. “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турардим. Биласиз, бу ёшда йигит киши оилага моддий ёрдам бериши, даромад топиши муҳим. Шу сабабли маҳалладаги ёшлар етакчисига мурожаат қилганимда ишсизлар қаторида рўйхатга олди.

Ўз навбатида қизиқишим, имкониятимни ўрганди. Асаларичиликка қизиқиб, хусусий бизнесимни йўлга қўйишни истардим. Аммо бунинг учун маблағ йўқлиги важдан орзуим амалга ошмаётганиди. Ёшлар етакчиси бу борада қандай имконият борлигини тушунтириб, имтиёзли кредит олишни тавсия қилди. Ҳеч иккиланмай, асаларичилик йўналишида бизнес лойиҳамни Ёшлар ишлари агентлигининг туман бўлимига

тақдим этдим.

Кўп ўтмай, 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратишга тавсиянома берилди. Хатто 30 қўти асалари олиб келишга ёрдамлашиди. Ҳозирда асаларилар 40 қўтига кўпайди. Оилалар сони 30 тага етди. Бу йўналишдаги бир йиллик даромад 18 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бир дона асалари оиласи 7 килограммгача асал йиғади. Йилига 2 марта ҳосил олиш мумкин. Демак, умумий миқдорда 400 килограммгача асал тўпланади. Моддий даромадним шунга мос ортиб бормоқда.

Англадимки, инсон интилса, ҳаракат қилса, ҳамма нарсага эришаркан. Даромадли ишга эга бўлгач, “Ёшлар дафтари”дан чикарилдим. Шу орада масъуллар маҳаллада ёшлар етакчиси бўлишим мумкинлигини, бунинг учун номзодимни қўйишни таклиф қилишди. Уйлаб кўрсам, ёмон таклиф эмас.

Таърибамдан келиб чиқиб, тенгқурларимга кўмаклашаман, деган ниятда рози бўлдим. Тан-


ловдан муваффақиятли ўтиб, маҳаллада ёшлар етакчиси сифатида иш бошладим. Бир йил олдин имтиёзли кредит эвазига кичик бизнесимни йўлга қўйишимга ва бу орқали ёшлар етакчисига айланишимга ишонмасдим. Бугун орзуим ҳақиқатга айланди.

Ўтган бир йилни сарҳисоб қилганимизда етакчилик фаолиятимда кўп ютуққа эришдим. Билдирилган ишонччи оқладим. Масалан, 2023 йилда 250 нафар ёш мурожаат билан чиққан бўлса, аксарияти ижобий ҳал этилди. 10 нафар ёшга субсидия ҳисобига 40 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди. Бунинг натижасида ишсиз сифатида рўйхатда турганларнинг 30 нафари ўзини ўзи банд қилди. 6 нафар ёш тадбиркорлик фаолиятини бошлади. 19 нафари касб-хунарга ўқитилди. Бундан ташқари, 13 нафар ёшга тўлов-шартнома суммасининг 50 фоизи қоплаб берилди. Саломатлигида мунглик бўлган 3 нафар мурожаатчининг бепул даволаниши

таъминланди.

Кувонарлиси, маҳалла ёшлари тури тадбир, спорт мусобақаларида фаол. Туман, вилоят, республика даражасидаги танловларда ғолиблар қаторидан жой олмақда. Масалан, ДХХ кубоги учун ўтказилган “Заковат” интеллектуал ўйини вилоят босқичида 3-ўрин, “Зукко китобхон” танловида 1-ўринни эгаллашди. Маҳалламиз вакилиси Дилнавоз Ҳайитхатматова “Ёш китобхон” кўрик-танловининг республика босқичида 3-ўринни кўлга киритди.

Икки йиллик фаолиятимдаги ютуқлар туман, вилоят даражасида эътироф этилди. 2023 йил 7 ноябрда ҳаётимда яна бир янги саҳифа очилди. Раҳбарлар, устозлар ишонч билдириб, мени янги лавозимга тавсия қилди. Икки йил аввал ишсиз ва ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган ёшлар вакили бугун Президент хузуридаги ижтимоий химоя миллий агентлигининг Қўрғонтепа тумани «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази



катта ёшдагилар ва ёғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилалар билан ишлаш шўъбаси бош мутахассиси лавозимига тайинландим.

Юртимизда яхши яшашимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Фақат ҳаракат қилиш керак. Бунга ҳаётимда эришганларим ёрқин мисол бўла олади.

2023 йил 7 ноябрда ҳаётимда яна бир янги саҳифа очилди. Раҳбарлар, устозлар ишонч билдириб, мени янги лавозимга тавсия қилди.



ТАКЛИФ

100 гектар ер инвесторга танловсиз бериладими?

Мақсадбек ФАЙЗ.

Уй-жой можароси, соҳадаги соҳтакорликлар ортидан оддий фуқаролар жабрланиб қолишига кўп гувоҳ бўламиз. Аксариятида ҳали битмаган, кадастр ҳужжати йўқ уйлар сотилгани кузатилади. Янгиҳаёт туманида барпо этилиши режалаштирилган “Mineva city” мажмуаси ортидан 2022 йилда шу қаби можаро бошланганди. Узоқ давом этган суд жараёнидан сўнг хорижий инвесторга ажратилган 100 гектар ер майдони давлатга қайтарилган.

Жорий йил февраль ойи бошида масъуллар бу ер майдони яна хорижлик инвесторга берилиши ҳақида маълумотни очиклади. Унинг негизда хитойлик инвестор иштирокида 35–40 минг нафар фуқаро ушайдиган мажмуа қурилиши ҳақида туман ҳокимлигида ташкил этилган матбуот анжуманида маълум қилинди. Бу эса, кенг жамоатчилик, тадбиркорлар ва фуқароларда ҳақли саволларни пайдо қилди.

Нега бир хорижий инвестордан иккинчисига ҳеч бир танловсиз ер бериб юборилиши керак? Эртага бу инвестор ҳам келишувни бузмас-

лигига қафолат борми? Нима учун ерни танловсиз ажратишда унга устулик берилмоқда?

Масалан, иқтисодчи Отабек Бакиров давлатга қайтарилган 100 гектар ер борасида ер қонунчилигига тўлиқ амал қилган ҳолда, айтилик, уни 50 та лотга бўлиб, аукционга чиқариш энг тўғри қадм бўлишини билдирган. Ҳаммаси, бозор қоидаларида амалга оширилсин. Кимгадир имтиёз берилса, бу фақат ижтимоий объектга бўлсин.

Аслида амалдаги қонунга кўра, ерларни бу тарзда бериб юбориш тақиқланади. 2021 йил 8 июнда имзоланган “Ер муносабатларида тенглик ва шаффоқлиқни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли химоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонида кўра, тадбиркорлик учун ерларни тўғридан-тўғри ва текинга бериш амалиётидан бутунлай воз кечилган ва ерлар ҳамма учун бир хил ва ошқора, электрон аукцион орқали хусусий мулк қилиб сотилиши ёки ижарага берилиши белгиланган. Туман ва шаҳар ҳокимларининг ер ажратиши ва уларни қайтариб олиш билан боғлиқ барча ваколатлари, жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи 2021 йил 1 августдан бекор қилинган.

Фақатгина Вазирлар Маҳкамасига истисно тариқасида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга – ижарага олиш ҳуқуқини олганлик учун бозор қийматида ҳақ тўлаган ҳолда (халқаро бирлашмалар ва ташкилотлардан ташқари) ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага бериши мумкин.

Бу масалада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам асосли таклиф билдирди. Унга кўра, аниқ лойиҳаларини ишлаб чиқиб, мазкур ер майдонини унда уй-жой комплекслари, мактаб, бонча ва бошқа ижтимоий объектиларни қуриш учун алоҳида лотларга ажратган ҳолда электрон онлайн аукцион савдоларида реализация қилиш лозим. Очик ва шаффоқ тизим орқали маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг тенг имкониятларда иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Дарҳақиқат, яратилган қулай ишбилармонлик муҳити натижасида юртимизда юқори салоҳиятга эга маҳаллий инвесторлар синфи

шакланган. Улар ҳам йирик лойиҳаларни амалга ошира олади. Бундан ташқари, юқоридоғи 100 гектар ерни очик танлов орқали

берилиши соғлом рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилишга хизмат қилади. Қолаверса, яратилган янги тизим асосида ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали очик ва шаффоқ сотиш бўйича ҳуқуқий асослар мавжуд.

Демак, ҳаммаси шаффоқ ва адолатли бўлиши учун тўғридан-тўғри аукцион савдоларисиз, фақат битта хорижий инвесторга ажратиш амалиётидан воз кечиш керак. Ҳинд инвестори билан бўлган кўнгилсизлик эртага хитойлик тадбиркор билан қайтарилмаслигини истасак, ерни бозор қоидадига кўра, тақсимлаш энг тўғри қадам бўлади.

Энг намунали ёшлар етакчиси аниқланади

ТАНЛОВ

“Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” танловини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, танловни ташкил этиш тартиби белгиланди. Шунингдек, “Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Низомга кўра, танлов 10 та йўналишда маҳалладаги ёшлар етакчиси лавозимида камида битта маҳаллада 6 ой давомида фаолият юритиётган, амалий иш тажрибасига эга маҳалладаги ёшлар етакчилари ўртасида ўтказилади.

Танловнинг жумладан, “Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёшлар билан тизимли ишлаган энг намунали маҳалла етакчиси” йўналишида ички ишлар органлари томонидан ёшлар жиноятчилигини ўтган даврдига нисбатан жорий йилда камайган, деб топилган маҳалла етакчилари қатнашади.

Шунга кўра, ҳар йили 5 сентябрдан 5 октябрь ойида, ҳудудий саралаш босқичи – ноябрь ойида, республика финал босқичи – декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади.


Рўйхатдан ўтиш ҳар йили 5–30 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

Танловнинг туман(шаҳар) босқичи – октябрь ойида, ҳудудий саралаш босқичи – ноябрь ойида, республика финал босқичи – декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади.

Республика босқичи ғолиблари қуйидаги имтиёзларга эга бўлади:
юқори лавозимга тайинлаш учун кадрлар захирасига киритиш;
ривожланган хорижий давлатларнинг соҳага оид таълим ташкилотларига малака оширишга юбориш.

Шунингдек, ғолиблар “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирлашга тавсия этилади.





Ўзбекистон
мобиль интернет
тезлиги бўйича
БИР ЙИЛДА
32 ПОҒОНА
юқорилади.



Ўтган йили
12 МИНГДАН ЗИЁД
ота-она фарзандининг
таълимига
масъулиятсизлик қилгани
учун жаримага тортилди.



«ААА» тоифадаги
тадбиркорлик
субъектларида
СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ
ўтказиш автоматик
чекланади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш ҳаракати тўхтамайди

Солиқ тўловларининг ўз вақтида тўланиши давлат бюджетини тўлдиршида муҳим омил эканини тушунтириб, инсофли солиқ тўловчилар кўпайишига ҳаракат қилинман

Фазилат КАРИМОВА,
Наманган туманидаги
"Яшнобод" маҳалласи
солиқ инспектори.

"Маҳалла еттилиги"га солиқ ходимларининг кўшилиши маҳалладаги имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашиш, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Наманган туманидаги 53 та маҳаллада 22 нафар солиқ инспектори 21 та йўналиш бўйича фаолият олиб бормоқда. Ўзим 546 та хонадон, 2 900 нафар аҳолига эга "Яшнобод" маҳалласига бириктирилганман. Бу ерда 545 та ер ва мол-мулк солиқ тўловчиси ва 15 та тадбиркорлик субъекти бор. "Солиқчи-кўмакчи" тамойили асосида ҳар бир солиқ тўловчига солиқ тўловларининг ўз вақтида тўланиши давлат бюджетини тўлдиршида муҳим омил эканини тушунтириб, маҳалламда инсофли солиқ тўловчилар кўпайишига ҳаракат қилинман. Бу йўналишда маҳалла раиси ҳамда ҳоким ёрдамчиси асосий кўмакдош. Маҳаллада жорий йилнинг январь-февраль ойларида 15



Фуқароларни ҳалол бизнесга жалб қилиш орқали солиқ тўловчилар сафини янада кенгайтиришни мақсад қилганман.

нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилиб, уларга мавжуд имтиёз ва имкониятлар ҳақида маълумот берилди. Ўзини ўзи банд қилган икки нафар фуқаро яқка тартибдаги тадбиркор мақомини олди.

Хуфиёна иқтисодиёт улушини маҳалла кесимида қисқартириш устувор вазифаларимиздан. Бу йўналишда февраль ойида бир фуқаро томонидан ташкил этилган тегиримонда донни майдалаш ноқонуний фаолияти юзасидан тушунтириш ишлари олиб бори-

либ, давлат рўйхатидан ўтказилди. Хозирда ушбу фуқаро қонуний тарзда фаолиятини давом эттирмоқда. Бу каби вазифалар бюджетга ҳисобланадиган солиқларни ўз муддатида тушиши ҳамда солиқ базасини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

2024 йил маҳалладаги имкониятлардан келиб чиқиб, хунармандчилик ва иссиқхона фаолиятларини ривожлантириш ҳамда фуқароларни ҳалол бизнесга жалб қилиш орқали солиқ тўловчилар сафини янада кенгайтиришни мақсад қилганман.

СИЗ УЧУН МУҲИМ

Ортиқча тўловларни қайтариб олса бўлади

Жисмоний шахслар ортиқча тўлаган солиқларини масофадан қайтариб олиши ёки қарздорлиги бўлган бошқа солиқ турига ўтказиши мумкин. Бунинг учун my.soliq.uz сайтыдаги шахсий кабинетга кирилади ва у ердан "Жисмоний шахсларнинг ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш" бўлими танланади.

Навбатдаги ойнадан ортиқча тўланган солиқ тури белгиланганда сумма автоматик ҳосил бўлади. Энди ушбу суммани қайси солиқ турига ўтказишни белгилаш лозим. Агар суммани қайтариб олмакчи бўлсангиз ортиқча тўловни ҳисоб рақамга қайтариш тугмаси танланади, пластик карта рақами, транзит ҳисоб рақами ҳамда Банк МФОси тегишли қаторларга киритилади.

Ортиқча сумманинг ҳаммасини эмас, маълум қисмини қайтариш ёки бошқа солиқга ўтказишда ўша суммани пастки қаторда кўрсатиш лозим. Яқунда керакли қаторларга сўралган маълумотлар киритилиб, жўнатиш тугмаси босилади. Ариза юборилгач, бошқа солиқ туридан қарздорлик бўлмаса, ортиқча сумма 15 кун ичида жисмоний шахснинг банк пластик картасига келиб тушади.



Даврон ҲОШИМОВ,
Солиқ кўмитаси
бош инспектори.

БИЛАСИЗМИ?

Ижтимоий солиқ миқдорлари белгиланди



Ижтимоий солиқ куйидаги миқдорларда тўланади:

- яқка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) — ойига 340 000 сўм;
- савдо мажмуалари ва бозорларда фаолият юритувчи ЯТТларнинг ёлланма ходимлари учун — ойига 170 000 сўм;
- бошқа ЯТТларнинг ёлланма ходимлари учун — йилга 340 000 сўм.

Оилавий тадбиркорлар (юридик шахс ташкил этмаган):

- ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси — ойига 340 000 сўм;
- оиланинг бошқа аъзолари (18 ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) — ойига 170 000 сўм.

МАНЗАРА

Худудни ҳам, ҳаётни ҳам ўзгартирган мезонлар

Илхом САТТОРОВ.

Хатирчи туманидаги "Наврўз" маҳалласи аҳлининг бугунги хурсандчилигини оддий сўзлар билан таърифлаш мушкул. Бу ерда "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонлари жорий қилиниб, биринчи галда "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Унга кўра, 16 та кўчанинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳамда инфратузилмасини ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ишчи гуруҳлар 659 та хонадон, 706 та оила ҳамда 3 152 нафар фуқарони тўлиқ хатловдан ўтказди.

Маҳалланинг янги биносида "еттилик"нинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратилади.

— Ўрганиш жараёнларида муаммоларни 4 тоифага ажратиб олдик, — дейди "Наврўз" маҳалласи раиси Мардонқул Бойжонов. — Ҳар бир хонадон аҳли билан суҳбатлашиб, "Обод хонадон" мезони бўйича шахсий дахлдорлигини ошириш, ўз ташаббуси билан хонадонини обод қилиш бўйича таклиф ва тавсияларни бердик. Халқимиз меҳнаткаш, маҳалла миқёсида бошланган эзгу ишларни катта қувонч билан қарши олиб, ўз хонадонларини таъмирлаш, ерларни баҳорги экин экиш ишларига тайёрлашга киришиб кетдилар. Бунга имконияти бўлмаганлар, эҳтиёжманд хонадонлар ҳашар йўли билан таъмирланмоқда. Хозир маҳаллада 65 нафар



Халқимиз меҳнаткаш, маҳалла миқёсида бошланган эзгу ишларни катта қувонч билан қарши олиб, ўз хонадонларини таъмирлаш, ерларни баҳорги экин экиш ишларига тайёрлашга киришиб кетдилар.

ишсиз фуқаро бор. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, "драйвер" соҳаларни кўпайтириш бўйича аниқ режалар тузилган. Худуднинг иқтисодий ўсиш нуктаси бўлган чорвачилик, деҳқончилик, асарчиликни янада ривожлантириш бўйича имтиёзли кредитлар бериш орқали ушбу фуқаролар бандлигини таъминлаш кўзда тутилган. Шунингдек, маҳаллада гулчилик, иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, мебелсозлик йўналишларини ташкил этиш бўйича ташаббускорлар рўйхати шакллантирилди. Маҳаллада 3 километр ички

кўчаларни асфальтлаш режалаштирилган. Шунингдек, 11,1 километр кўчаларга шағал тўкилади. 237 та эски симёғочлар янги бетон-таянч устунларга алмаштирилди. Фуқаролар йиғинида бандлик, тадбиркорликни йўлга қўйиш масалалари доимий эътиборда. Хусусан, ушбу маҳаллада яшовчи Марҳабоб Ражабова ўтган йили имтиёзли кредит олиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Замонавий тикув машиналари харид қилиб, ёнига маҳалланинг 4-5 нафар кизларини олди. Бугун Марҳабоб опа даромадга, кизлар эса хунарча эга бўлмоқда.

Бундай тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. ...Бугун "Наврўз" маҳалласида 30 дан ортиқ техникалар, юзлаб ишчилар меҳнат қилмоқда. Бир ёнда уйлар таъмирланаётган бўлса, бошқа томонда пиёдалар йўлакчасидан тортиб, маҳалланинг янги биносигача қад кўтармоқда. Янги иморатда "маҳалла еттилиги"нинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратилади. Унинг олдига мини-стадион, воркаут майдони, болалар ўйингоҳи қурилади. Бир сўз билан айтганда, "Наврўз" ўз номига муносиб янгиланади.

Андижонда "Ипак йўли" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилади

Президентнинг 2024 йил 15 февралдаги "Андижон вилоятида "Ипак йўли" эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан, Андижон вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи, экспорт бозорларида рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ йўлга қўйиш мақсадида 30 йил муддатга Андижон туманида "Ипак йўли" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилади.

"Ипак йўли" эркин иқтисодий зонаси фаолияти давомида унинг иштирокчиларига эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари учун белгиланган алоҳида солиқ, боғжона имтиёзлари ва бошқа преференциалар татбиқ этилади.

ЭИЗ худудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш уларнинг бош режа асосида ўзлаштирилишига кўра, ПФ-5600-сон Фармонига мувофиқ, электрон онлайн аукцион орқали босқичма-босқич амалга оширилади.



Ёшларнинг халқаро ИТ-СЕРТИФИКАТЛАРНИ ОЛИШ харажатларини қоплаб бериш бўйича давлат хизмати кўрсатилади.



НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ОДАМЛАРНИ ишга олган корхоналарга тадбиркорлик рейтингда қўшимча балл берилади.



Янги қонун билан қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар ИНСОН ФОЙДАСИГА талқин этилади.



ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ

Қарши шаҳридаги "Ойдин" маҳалласи профилактика инспектори, катта лейтенант Аскар Маматов "Намунали маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари" кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичида 2-ўринни эгаллади.

Жиноят ва ўғрилик тун маҳали кўпаяди

Шаҳар марказида жойлашган "Ойдин" маҳалласида 11 мингта яқин аҳоли яшайди.

Аскар МАМАТОВ, Қарши шаҳридаги "Ойдин" маҳалласи профилактика инспектори.

Худудда иккита мактабгача таълим ташкилоти, битта давлат ва хусусий мактаб, битта олий таълим муассасаси, мономарказ мавжуд. Йигирмага яқин савдо дўкони, сартарошхона, умумий овқатланиш шохобчаси ва бошқа турдаги тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. 64 та кўп қаватли уй бор.

Ушбу худудларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг кундалик ва маиший муаммоларини бартараф этиш асосий вазифаларимиздан. Шу боис фуқаролар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-тушунтириш ишлари мунтазам олиб бориляпти. Бу борада "маҳалла еттичилиги", уй бошилари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари яқиндан кўмак берапти. Ҳар бир кўп қаватли уйга огоҳлик қўлланмалари жойлаштирилган.

Ҳуқуқбузарликлар содир этилиши мумкин бўлган объектлар – ресторан, компьютер ўйин марказлари, кўнгилочар масканлар ва нотинч оилалар доимий кузатуви миз остида. 2021 йил 44 та жиноятчилик кузатилган бўлса, 2023 йил 4 та ҳуқуқбузарлик қайд этилди. Жиноятчиликни аниқлашда худуднинг тури нукталарига ўрнатилган 64 та кузатув камералари яқин самара берапти. Масалан, ўтган йили компьютер марказидан ўйин ўйнайдиган қурилмани яширин олиб чиқаётган фуқаро камера ёрдамида аниқланиб, ўғриликнинг олди олинди.

Ичкиликбозлик, оилавий нотинчлик ортидан тури жанжаллар юзага келмоқда. Бунинг олдини олиш учун спиртли ичимликка руҳу қўйган олти фуқародан учтаси соғлом ҳаётга қайтарилди. Яна икки нафарнинг бандлиги таъминланиб, назоратга олинди. Фақат битта фуқаро Шухрат Рахимов айти пайтда вилоят норкология диспансерида даволаняпти. У кишини

Ўтган йил тунги пайт маҳалла худудини айланиб юрганимда бир кишининг хатти-ҳаракати шубҳа уйғотди. Уни автомобилга минаётган пайтда тўхташиб, текшириганимда ёнидан "ташиш" гнёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди.

соғлом турмушга қайтарсак, бу масалада муаммо қолмайди. Бирок қайнона-келин ўртасидаги оилавий келишмовчиликлар ҳамон кузатилмоқда. Яқинда бир келин қайнонасини уйига киритмаётгани аниқланди. Тезкор чоралар кўрилиб, жанжалнинг олди олинди. Қайнонага химоя ордери берилиб, келин билан бир уйда яшайдиган бўлди.

Ақсарият жиноятлар, айниқса, ўғриликлар тунда содир этилади. Шу боис бу вақтда хушёрликни янада оширамиз. Ўтган йили тунги пайт маҳалла худудини айланиб юрганимда бир кишининг хатти-ҳаракати шубҳа уйғотди. Уни автомобилга минаётган пайтда тўхташиб, текшириганимда ёнидан "ташиш" гнёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Ҳар қандай ҳолатни – оиладаги жанжал ёки кўчадаги бахтсиз ҳодиса бўладими, барчасини, биринчи навбатда, профилактика инспектори аралашувисиз бартараф этиб бўлмайди. Шу боис маҳалла тинчлиги ва хавфсизлиги профилактика инспектори фаолиятига боғлиқ. Мухими, олдимиизга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, маҳалла тинчлиги, одамлар хавфсизлиги учун туну кун хизматдаимиз.

ВОЛЕЙБОЛ ўйини ва 7 МИЛЛИОН сўм мукофот ютиб олинг!



МУСОБАҚА

15 февралдан 20 мартга қадар Тошкент шаҳри маҳалла ёшларини ўртасида волейбол бўйича "Тошкент шаҳар ИИББ бошлиги кубоги" мусобақаси ўтказилди.

Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати.

Мусобақанинг асосий мақсади – маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар ўртасида волейбол спорт турини янада оммалаштириш, иқтидорли, туғма истеъдоди бор ёшларни саралаш (селекция) орқали Тошкент шаҳар терма жамоасига номзодларни шаффоф тарзда танлаб олишдир.

Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси, спорт ҳамда мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари, Ўзбекистон волейбол федерацияси Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур мусобақада 17-30 ёшдаги йигит-қизлар қатнашиши мумкин.

Фақат спорт мактабларидаги ўқув машғулот гуруҳларида ёки профессионал спорт клубларида спорт билан мунтазам шуғулланувчилар;

халқаро тоифадаги спорт устаси, спорт устаси ва спорт усталлигига номзодлар; 1,2,3-спорт разрядига эга бўлган спортчилар; маҳалла ёшлари етакчилари; тренер ва жисмоний тарбия фан

ўқитувчилари; маҳалладаги яшаш манзили бўйича доимий рўйхатдан ўтмаганлар;

мусобақаларида иштирок этадиган ёшлар бир маҳаллада истикомат қилиб, яшаш манзили бўйича доимий рўйхатдан (мусобақа бошланиш кунидан қаида 6 ой олдин) ўтган бўлса, бошқа маҳалла номидан ушбу мусобақада иштирок этиши қатъиян тақиқланади.

Жамоа таркиби 13 нафардан иборат бўлиб, 10 нафар иштирокчи, 1 нафар тренер, 1 нафар жамоа вакили ва 1 нафар жамоа раҳбарини ташкил этади. Хусусан, шаҳар бўйича жами 585 та маҳалладан 560 та ўғил ва 128 та қиз, жами 688 та жамоадан 6 880 нафар ёшлар мусобақада иштирок этиш учун саралаб олинди.

Мусобақанинг биринчи, маҳаллалараро босқичи 15-25 февраль кунлари маҳаллалардан ташкил топган жамоалар ўртасида сектор биринчилиги учун беллашади. Ҳолиб жамоа тумандаги секторлараро босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритади. Иккинчи, секторлараро босқичи 26 февралдан 5 мартга қадар, учинчи, туманлараро шаҳар босқичи 6-20 март кунлари Юнусобод туманидаги спорт мажмуасида бўлиб ўтади.

Шаҳар босқичида ғолиб ва совриндор бўлган жамоа иштирокчилари Ўзбекистон волейбол федерацияси Тошкент шаҳар бўлими ва ҳомий ташкилотлар томонидан 1,2,3-даражали диплом, медаль ва пул мукофоти билан тақдирланади.

- 1-ўрин – ҳар бир иштирокчига 7 миллион сўмдан ва кубок;
- 2-ўрин – ҳар бир иштирокчига 5 миллион сўмдан;
- 3-ўрин – ҳар бир иштирокчига 3 миллион сўмдан пул маблағлари берилади.

ТОМОРҚА – ДАРОМАД МАНБАИ

Кулупнайга ҳар доим, ҳар жойда харидор бор

Нигина ШОЕВА.

Шўрчи туманидаги "Қушчи" маҳалласида яшовчи Нелом Жўраев ёш бўлишига қарамай, кулупнай экиб, парварিশлар борасида ўз қарамларини, сизу бизга ишнатган тажрибасини бор.

Ислон ўтган йилнинг октябрь ойида томорқасининг 2 сотих ерида гидропоника усулида иссиқхона ташкил этиб, 2,5 минг туп кулупнайнинг "менхиян" навини эккан. Ҳозирда баравж ўсган кулупнай кўчатлари ҳосилга кирган. Гидропоника тупроксиз, фақат озука моддалар билан тўйинтирилган сув ёрдамида деҳқончилик қилишни аниқлади. Бу усул, асосан, Европа мамлакатларида оммалашган. Нидерландияда ошқовок, Белгияда қарам гидропоника усулида етиштирилади. «Smart» иссиқхона барча замонавий талабларга жавоб беради. Қушчиликлар буни ўз томорқасида синиб кўрапти. Натижа ижобий, 3-4 сотих ер майдонида етиштирилаётган маҳсулотни 1,5 сотих-

Гидропоника усулида 3-4 сотих ер майдонида етиштирилаётган маҳсулотни 1,5 сотихлик иссиқхонада парварিশлаш мумкин.



лик иссиқхонада парварিশлаш имконияти яратилди.

Кулупнай меваси ортидан яқини даромад қилаётган Ислон Жўраевнинг тажрибасидан бутун маҳалла аҳли самарали фойдаланишни мақсад қилган. Хусусан, шу ерда яшовчи Азимжон Рузиев айти кунларда кулупнай

етиштириб, бозорга пешма-пеш етказиб бермоқда. Азимжоннинг айтишича, харидорлар қишки тансиқ ҳосилнинг ҳар килосини 110-120 минг сўмдан улгуржи олиб кетишляпти. Аҳамиятлиси, кулупнай тупларини "плёнка" билан ўраб, совқудан химоя қилиш шарт эмас экан. Кўкламда яна

жонланиб, ҳосил бераверади. Айти кунларда минерал ва органик ўғитлар билан озиклантириш ишлари давом этмоқда.

– Кулупнай кўп йиллик ўсимлик бўлиб, уни бир эксангиз, камида тўрт йил давомида яқини ҳосил беради, – дейди Азимжон Рузиев. – Йилига ўртача 40 миллион сўмдан даромад олсангиз, бу тўрт йил давомида 160 миллион сўм дегани. Деҳқондан талаб этиладигани ерни ўз вақтида маҳаллий ўғит билан озиклантириб, мавсумда ушбу экин экилган ер майдонининг намлилига қараб, суғориб туриш зарур. Бу ишлар ўз вақтида амалга оширилса, кулупнайдан яқини даромад олиш мумкин. Томорқасининг 2 сотих иссиқхонасига кулупнайнинг "селолхан" навини экиб, меҳр билан парварिश қилляпти. Ҳар уч кунда 5-7 килограммгача териб, бозор расталарига олиб чиқяптимиз.

Кулупнай нафақат хушхўр таъми, қолаверса, шифобахш жиҳатлари билан бошқа маҳсулотлардан ажралиб туради. Унинг таркибидаги фойдали минераллар овқат ҳазм қилиш тизимига яқини таъсир қилади, организмни тозалайди, қариш жараёнини секинлаштиради. Киши қайфиятини кўтаради. Шу боис кулупнайнинг ҳар доим, ҳамма жойда харидори кўп. Уни етиштириш эса яқини даромад келтиради.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Маҳалла ходими га ипотeka кредити бўйича имтиёз борми?

Қаҳрамон ЗАФАРОВ, Олмасор туманидаги "Чочорбоғ" маҳалласи раиси.

– Маҳалла ходимлари орасида ипотека кредити асосида уй олинган кўп. Қонунчиликка қўра, айрим тоифадаги шахслар кредит учун тўлаган сўммасидан даромад солиғи ушлаб қолинмайди. Ҳўш, маҳалла ходими кредит тўласа, даромад солиғидан имтиёз борми?

Саламат ТУРЕМУРАТОВ, ҳуқуқшунос:

– Ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизаларни солиқ даври давомида жами меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 80 бараваригача бўлган миқдорда қоплашга, башарти, уй-жой сотиб олиш бюджетдан ажратилган субсидиялар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилган бўлса, солиқ тўланмайди. Яъни субсидия ажратилиши орқали ипотека кредити олинган бўлса, ушбу ипотека кредити ва унинг фоизалари учун амалга оширган тўловларнинг 84 000 000 (саксон тўрт миллион) сўмгача миқдорига солиқ солинмайди. Албатта, фуқаро бир йил давомида ушбу миқдордан камроқ тўлов амалга оширган тақдирда,

тўлов амалга оширилган миқдордаги даромадга солиқ солинмайди. Шу билан бирга, ёш оилаларга ушбу қондалар татбиқ этилади. Ёш оилаларга эр-хотиннинг бири 30 ёшдан ошганидан сўнг ушбу солиқ имтиёзи қўлланилмайди. Шунингдек, 2023 йил 1 январдан кейин ипотека кредити ҳисобига сотиб олинган, қурилган ёки реконструкция қилинган уй 36 ой ичида сотиб юборилса ёки бошқа шахсга берилса, солиқ имтиёзлари бекор қилинади ва даромад учун солиқ тўлаш тикланади.

Юқоридагиларга қўра, маҳалла ходимлари субсидия асосида ипотека кредити олган бўлса ёки эр-хотиннинг ёши 30 ёшдан ошмаган бўлса, уларга кредитга йўналтирилган сўмга учун даромад солиғи ҳисобланмайди.



Ногиронлиги бўлганлар учун СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АССОЦИАЦИЯСИ ташкил этилади.



Германияда пара дзюдо бўйича ўтаётган "IBSA" Гран-присида УЛЖОН АМРИЕВА олтин медалга сазовор бўлди.



Терма жамоамиз Бокуда дзюдо бўйича ўтказилган "КАТТА ДУБУЛҒА" мусобақасида 1 та олтин ва 2 та бронза медални қўлга киритди.



ҚУЛАЙЛИК

Йиғин иш юритувчисига қандай ҳақ тўланади?

Давоми. Бошланиш 1-саҳифада.

Президентнинг 2023 йил 21 декабрдаги "Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан айтилган масалаларга ечим топилди. Гап шундаки, эндиликда хотин-қизларнинг ҳақ тўланадиган жамоат ишлари асосида ўн бир ойгача муддатга маҳаллада иш юритувчи бўлиб ишлашига рухсат берилди. Бу маҳаллаларда илгар мавжуд бўлган масъул котиб вазифаларини бажариш, ҳужжатларни юритишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳақли савол туғилади: иш юритувчи ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишлари асосида ишласа, унга қанча ҳақ тўланади? Меҳнат стажига ҳисобланадими? Бу саволларга Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомдан жавоб топамиз.

Низомга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади. Бунда иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан (ҳозирда 1 050 000 сўм) кам бўлиши ва унинг икки бараваридан кўп бўлиши мумкин эмас.

Жамоат ишларида қатнашган давр меҳнат стажига кўшилади. Фуқароларда пенсия таъминоти ва вақтинча ишга яроқсизлиги бўйича нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Бу вазиятда иш вақтининг давомийлиги меҳнат қонунийлигига мувофиқ белгиланади. Бунда иш куни ва иш вақтининг ўзгарувчан шаклларида фойдаланиш, шунингдек, меҳнат унвондорлигига кўра ёки ишлаган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда жамоат ишларининг қисқартирилган иш вақтини киритиш мумкин.

Умуман олганда, маҳаллада иш юритувчи лавозимини жорий этиш орқали:

- "еттилик" вакилларини қийнаб келаётган, вақтини олаётган хат-ҳужжат ишлари тартибга солинади;
- 9 442 та маҳаллада қўшимча штат очилиши ҳисобига шунча хотин-қизнинг бандлиги таъминланади;
- маҳаллада келди-кетдилар ҳисобга олиниб, аҳоли этирозларининг олди олинади;
- энг муҳими, ҳеч бир мурожаат этиборсиз қолмайди, мурожаатлар манзилли ҳал бўлишига шароит яратилади.



Яна бир жиҳат: фуқаролар йиғини ва иш юритувчи ўртасида меҳнат шартномаси тузилиб, "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексига рўйхатдан ўтказилади.

Санжар ИСМАТОВ.

БҲНЁДҚОРЛИК

Ободлик кўнгилиларга кўчяпти

Латофат ЮСУПОВА.

Хоразм вилоятидаги энг кенжа туман — Тупроққалъа туманидаги "Нуробод" маҳалласида аниқланган бир қатор муаммолар "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонлари асосида бартараф этилиб, ҳудуд замонавий қиёфа касб этадиган бўлди.

Дастлаб электр таъминотини яхшилаш мақсадида янги трансформатор ва 100 га яқин темир-бетон устунлар ўрнатилди, 9 километр ҳаво тармоқлари тортилди. Ҳозиргача қилинган бу ишлар натижасида 160 та хонадоннинг электр энергияси сифати яхшиланди. Булар ҳали ҳаммаси эмас. Дастур доирасида 4 километр пиледалар йўлакчасини барпо этиш, кўчаларга 70 дан ортиқ тўғри ёриткичлар ўрнатиш белгиланган.

Аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминлашдаги ҳақли этирозлари инобатга олиниб, 2 километр узунликда ичимлик сув тармоғи тортиш режага киритилган. Бугунгача 1,5 километр узунликдаги тармоқ ишлари якунига етай деб қолди. Март ойи охиригача бу ердаги элдошларимиз оби-ҳаётдан муаммосиз баҳраманд бўлади. Қўтилаётган натижага кўра, 400 та хонадонга ичимлик сув узлуksиз етказилишига эришилади.



— Маҳалланинг нафақат қиёфаси ўзгаряпти, балки аҳоли бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратляпти, — дейди маҳалла раиси Раҳимбой Исмоилов. — Хусусан, "Аёллар дафтари"даги хотин-қизлар учун субсидия асосида тикувчилик машиналари тақдим этилди. Бугун улар ўз уйда тикувчиликни йўлга қўйиб, атрофига ҳудуддаги ишсиз опа-сингилларини жалб қилиб, яхшигина даромадга эга бўлишяпти. Қолаверса, маҳалла биносининг янгидан қурилгани ишимизга самара, шижоат билан ишлашга имкон берапти.

Сирасини айтганда, "Нуробод" маҳалласида бўлиб, энг олис ҳудудлар эътибордан четда эмаслиги, бунёдкорлик нафаси узоқ қишлоқларга кириб бораётгани, бу ердаги одамлар учун шаҳардагидек шароит яратилаётганига амин бўлдик. Асосийси, ободлик кўнгилиларга кўчяпти.

“” Лидер аёллар гуруҳи ташкил этилса...

Рухан тушкун, ўзига ишонмаётган қизларга кўмак бўларди

Ойшахон ЙЎЛЧИЕВА, Учкўприк туманидаги "Бегмурод" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.



Тикувчилик, аслида, ижод. Қўлига игна-ип олиб, чок тиккан аёл бу машғулот нақадар завқли эканини яхши билади. Ўзгача услуб ва дизайндаги либосларни яратиш, қилган меҳнати билан кимнидир миннатдор қилиш кишини янада кўпроқ изланишга ундайди. Маҳалламизда ана шундай ўз устида ишлашдан, ҳаракат ва меҳнат қилишдан тўхтамайдиган аёллар жуда кўп. Уй юмушлари, фарзандлар тарбиясидан ортиб, жамият ҳаёти учун хисса қўшишга интилади. Уларга топаётган даромадидан кўра, фойдали иш билан банд бўлиши муҳимроқ. Бу хонадонларга кириб, хотин-қизлар билан дилдан суҳбат қурганимизда яққол сезилади.

Худуддаги меҳнатга лаёқатли аёлларнинг 60 фоизи касаначилик билан шуғулланади. Уларнинг кўпчилиги тайёр, бичилган газламаларни қабул қилиб олишади ва вақти, имконидан келиб чиқиб тикиб беришади. Бажарилган ишга қараб ҳақ олишади. Укуви бор, касб-хунарга ўқиган хотин-қизлар ўзлари мустақил равишда буюртма қабул қилапти. Талаб ва истакка қараб, замонавий либослар тикишяпти. Қачон ҳол-аҳвол сўрагани борсак, қўли-қўлига тегмай ишлаётган бўлади. Кунига 100-200 минг сўмгача даромад топишади. Чеварлар ўртасида соғлом рақобат муҳити юзага келган. Доим аввалги ишдан кейингисини яхшироқ қилишга интилишади.

2023 йилда 40 нафар аёлга кредит асосида, 10 нафарига субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди. Маҳалламизнинг ривожланиш нуқтаси айнан шу соҳа бўлгани учун уни янада равнақ топишига ҳаракат қилаемиз. Айнаник, ўқувчи-қизларни ёшларидан хунар ўрганишга йўналтиряпмиз. Шу мақсадда мактабга иккита тикув машинаси олиб берилди. Ҳозир қизлар ҳам ўрганипти, ҳам тиккан маҳсулотларини бозорга чиқаряпти.

Ютуқлар ўзимизники, лекин ҳали олдинда қиладиган ишларимиз анчагина. 2023 йилда



маҳалламизда 10 та оилани яраштирдик ва 3 та ажралиш қайд этилди. Таажжублиси, 25 йилдан буён бирга яшаб келаётган эр-хотин арзимас сабаблар билан оиласига нуқта қўйди. Уларни муросага келтиришга қанча ҳаракат қилмайлик, фойдаси бўлмади. Эрак катта тадбиркор, аёл олий маълумотли педагог. Шундай вақтларда ишимиз нақадар қийин ва масъулиятли эканини хис қиламан.

2024 йилда олдимга қатъий мақсад қўйдим: маҳалламни ажралишдан ҳоли ҳудудга айлантираман. Бунинг учун ҳар бир аёл билан дугонадек яқин муносабатда бўлишга уринапман. Биринчи навбатда уларнинг ўй-хаёллари, орзу-мақсадларини чуқурроқ ўрганипман.

Тақлифим: маҳаллаларда лидер аёллар гуруҳларини ташкил этиш керак. Айтилиб, ўз ишининг устаси бўлган тадбиркор, хунарманд, энг кўп даромад топаётганларни бир жойга жамлаб, қўлидан бирор иш келишига ишонмаётган, руҳан тушкунликка тушиб қолган хотин-қизлар билан давра суҳбатлари ўтказиш лозим. Бу усул маҳалла ходимларининг ишини янада олдинга силжишига кўмак ва дастак бўлади.



2024 йилда олдимга қатъий мақсад қўйдим: маҳалламни ажралишдан ҳоли ҳудудга айлантираман.

ҚАДРИЯТ

Самарқанд нони қандай тайёрланади?

Абдували ХУДОЁРОВ.

Тажрибали новвой Орзикул Зоҳидовнинг қайд этишича, нон тайёрлаш учун бир кунда 15 соат тер тукиб, астойдил меҳнат қилишга тўғри келади. Самарқанд нонини тайёрлашнинг бошқалардан яшириладиган ҳеч бир сирли томони йўқ. Галаосиё нонларига ун, туз ва сувдан бошқа маҳсулот қўшилмайди. Мисол учун, бошқа ҳудудларда ноннинг таъминини яхшилаш учун хамирга ёғ туҳум, сут каби маҳсулотлар қўшилади. Галаосиё нонлари берч бўлиб, ярим соат ўтин оловда сингиб пишгани учун деярли хамиртуруш бактериялари қолмайди. Хамирга берилган бир неча жараёни ишлов ноннинг сифатини, шакл-шамойилининг чиройли чиқшини таъминлайди. Кунига 40-45 дона нон тайёрлаш учун 50 килограмм ундан хамир қилинади. Бу жараён кўп куч талаб қилгани боис, асосан, эр-каklar бажаради. Ҳар бири 1-1,5 килограмм тош босадиган галаосиё нонларининг хамири қаттиқ бўлиши учун 4-5 соат тиндирилиб, кейин сувала тайёрланган, яна 2-3 соат давомида тиндиришга қўйилади.



Нон тайёрлаш учун ҳар бир жараёндан кейин 3-4 соат тиндиришнинг асосий сабаби — нонга табиий тарзда тайёрланган ачитки жуда кам миқдорда қўшилади. Нон қизариб пишиши учун, асосан, мевали дарактларнинг ўтинидан фойдаланилади. Бойси мевали даракт ўтинининг тутуни кам бўлиб, ҳидсиз, оловининг тафти юқори бўлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «Mahalla» nashriyot-matbaa uyii» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 4 380 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-220

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.